

## Шамоилул-Мұхаммадия / РАСУЛУЛЛОХ СОЛЛАЛЛОХУ АЛАЙХИ ВАСАЛЛАМНИНГ КҮРИНИШЛАРИ / 320-ҳадис

320- حَدَّثَنَا فَتَيْبَةُ بْنُ سَعِيدٍ، قَالَ: حَدَّثَنَا نُوحُ بْنُ قَيْسٍ الْحَدَّابِيُّ، عَنْ حُسَامِ بْنِ مِصَلِّيٍّ، عَنْ قَتَادَةَ، قَالَ: مَا بَعَثَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى إِلَّا حَسَنَ الْوَجْهِ، حَسَنَ الصَّوْتِ، كَانَ تَبِعُكُمْ صَلَى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَسَنَ الْوَجْهِ، حَسَنَ الصَّوْتِ، كَانَ لَا يُرِجِّعُ

Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аллоҳ таоло қай пайғамбарни юборган бўлса, уни чиройли юзли ва чиройли товушли қилди. Сизнинг пайғамбарингиз чиройли юзли ва гўзал товушли эдилар ва асло куйламасдилар».

**Шарҳ:** Ҳабибимиз соллоллоҳу алайҳи васаллам башариятнинг энг афзали эдилар. У зот хулқ жиҳатидан ҳам, хилқат жиҳатидан ҳам башариятнинг энг афзали бўлганлар. Анас розияллоҳу анҳу у зотни васфлаганда «Ойдан ҳам чиройли эдилар», деган. Рубайя бинти Муаввиз розияллоҳу анҳодан бир тобеин «Эй онажон, менга Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламни васфлаб беринг», деганда, Рубайя розияллоҳу анҳо: «Қуёшни нур сочиб чиқаётганини кўрганмисан? Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам мана шундай эдилар», деган.

Шу ўринда бир савол туғилади: Юсуф алайҳиссалом чиройли бўлганми ёки Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламми? Албатта, Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам чиройли бўлганлар. Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам меъроҷ кечасини айта туриб «Юсуфни кўрдим, унга чиройнинг ярми берилган экан», деганлар. Олимлар ушбу ҳадиснинг шарҳида: «Юсуф алайҳиссаломга пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломга берилган чиройнинг ярми берилган», дейишган. Бу фикрни қуидаги ҳадис ҳам қўллаб қувватлайди:

«Анас розияллоҳу анҳу айтади: «Аллоҳ қайси пайғамбарни юборган бўлса, чиройли юзли ва гўзал товушли қилиб юборди. Набийингиз соллоллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарларнинг энг чиройли ва товуши энг гўзали эдилар»[1].

Шунинг учун онамиз Оиша розияллоҳу анҳодан: «Аёллар Юсуф

алайҳиссаломни кўрганда маҳлиё бўлганилан қўллари кесиши. Агар улар Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламни кўрганида, маҳлиё бўлганидан юракларини кесган бўларди», деган нақл бор.

Мулло Али Қори раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг «Мирқотул мафотиҳ» китобида шундай ёзади: «Мутааххир ҳофиз олимлардан баъзилари, шулар жумласидан сўзи эътиборга олинадиган шайларимиз: «Набий соллоллоҳу алайҳи васаллам Юсуф алайҳиссаломдан чиройли бўлганлар. Лекин Аллоҳ таоло саҳобалардан бу кўркни яширган. Зоро, Аллоҳ уларга бу гўзалликни кўрсатганида, улар буни кўтаролмасди. Аллоҳ Юсуф алайҳиссаломнинг чиройини эса одамлар кўзидан яширмади», дейишган».

Яна бир ўринли савол: Агар Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам Юсуф алайҳиссаломдан чиройли бўлсалар, нима учун Юсуф алайҳиссалом аёллар кўрганда, чиройига маҳлиё бўлиб қўлларини кесиб юборишиди-ю, пайғамбаримизда бундай ҳолат кузатилмаган.

Бунинг жавоби қўйдагича: Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васалламни башарият ичидаги энг кўрками ва энг чиройлиси қилди. Бунга шубҳа йўқ. Шу билан бирга, у кишига берган жамолни жалол (ҳайбат, салобат, викор) сифати билан беркитди. Шунинг учун бирорта саҳобий у зотга узоқ тикилиб қаролмаган. Умар розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг юzlари ойдан ҳам ёрқинроқ эди. биз у зотнинг юzlарига узоқ тикилиб туролмасдик», деган.

[1] Ибн Асокир «Тариху Димашқ» китобида, Ибн Адий «Комил» китобида, Ибн Жавзий «Вафо» китобида келтирган

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

